



ОЛИН БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИКА БОШЛАГАН

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 17 апрел, шанба № 64 (1697)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

# УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15-16 апрел кунлари амалий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди

**Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифидан асосий мақсад икки томонлама муносабатларга доир қатор долзарб масалаларни муҳокама этиши ва Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда террорчилик, экстремизм, наркотиқ бизнес каби халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашишдан иборат эди.**

Ўзбекистон ва Россия Президентлари Ново-Огарево қароғида ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикрлашди. Ислом Каримов ва Владимир Путин ўзаро ишонч ва ҳамкорлик тамойиллари ва асослигини таъкидладди. Ҳозирги кундаги долзарб вазифа эса Президентларнинг учрашувларида эришилган натижаларни амалиётга янада кенг татбиқ этиб, муносабатларнинг мазмунини амалий жиҳатдан бойитишдан иборатдир. Икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш хусусидаги ҳамкорлиги бунинг учун энг муҳим асослардан биридир.

Президентлар кўплаб халқаро масалалар борасида ҳам фикрлашди. Бу ўзаро муносабатлар изчиллик қасб этганида ҳам ақвол кўринадди. Ўтган йили Ислом Каримов Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари борган бўлса, Владимир Путин Самарқандга келди.

Давлат раҳбарларининг муносабатлари икки томон учун устувор саналган барча соҳаларда ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Алоқалар халқаро тузилмалар доирасида ҳам

кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ва Россия МДХ ва ШХТ бўйича ҳам бир-бирига ишончли шерик. Ислом Каримов ва Владимир Путин ШХТ фаолиятининг самараларини янада ошириш масалалари юзасидан фикр алмашди. Владимир Путин Россия Президенти лавозимига қайта сайланиши мамлакатда барқарорлик мустаҳкамлиги ва халқнинг амалдаги сийосати ва ишончи юқори эканидан далolatдир, деди Ислом Каримов. Юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ушбу мамлакатда кескин қоралангани ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тақдир қилингани ўзбекистон ва Россия, маъмур иллатга қарши биргаликда курашишдан бирдай манфаатдор эканининг яна бир ифодасидир. Марказий Осиё ва бевосита Ўзбекистонда юз бераётган воқеаларга Россиянинг муносабати ва ёндашуви биз учун муҳим.

Учрашуда Ўзбекистон ва Россиянинг стратегик ҳамкорлигини яқин орада расмийлаштиришга келишиб олинди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлашга, террорчиликка қарши ҳамкорликда курашишга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Россия раҳбари яқинда юртимиз-

да содир этилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади. Президентлар террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш зарурлиги, бу йўлдаги савий-ҳаракатлар фақат мустаҳкам ҳамкорликда, баҳамжихат иш юритилганда қутилган самара беришини таъкидладилар.

Ўзбекистонда рўй берган террорчилик ҳаракатларидан кейин келган телеграммалар, таъзияномалар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар терроризмга қарши курашда биз ёлғиз эмаслигимизни яна бир бор тасдиқлади, деди Ислом Каримов.

Президентлар савдо-иқтисодий алоқаларда эришилган натижаларни таҳлил этиб, келгусида бу борадаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир масалаларни муҳокама қилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25,8 фоиз ўсиб, 1 миллиард 149,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Аммо Ўзбекистон ва Россиянинг имкониятлари бу кўрсаткич доирасидан анча юқоридир.

Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг ўтган йил августда Самарқандга бўлиб ўтган учрашувида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматларо қўшма комиссияга савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳолатини бугунги шароит нукта назаридан қайта кўриб чиқиш ва ривожлантиришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Шундан кейин савдо-иқтисодий муноса-

батларни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, Россия ёқилги-энергетика мажмуи вакилларининг Россия Олий тоғ-кон кенгаши раиси, «Россия нефт-газ санатчилари иттифоқи» кенгаши раиси Юрий Шафраник раҳбарлигидаги делегацияси Ўзбекистонга келди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон-Россия иқтисодий муносабатларида ёқилги-энергетика соҳаси устувор ўринлардан бирини тутди. «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» очик акционерлик жамияти ўртасида стратегик шериклик тўғрисида битим имзоланган. Унга биноан Россияга экспорт қилинаётган Ўзбекистон газ миқдорини 2006 йилда 10 миллиард куб метрга етказиш кўзда тутилган. Бу йил кўзда «Газпром» билан ҳамкорликда Устюртдаги конларни ўзлаштиришга қаратилган 1,4 миллиард АҚШ доллар миқдориди лойиҳага таъйинланган низоҳасига етказилиши кутилмоқда. «Лукойл» компанияси ҳам «Ўзбекнефтегаз» билан бирга 996 миллион долларлик сармоявий лойиҳага бўйича шартномани низоҳасига етказмоқда.

Бундан ташқари, «Алфа-Эко» компаниялари гуруҳи масъулияти чекланган жамияти умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган бир неча сармоявий лойиҳада иштирок этишга қизиқиш билдирмоқда. «Вим Биль Данн. Продукты питания» компанияси «Тошкент-Сити» акционерлик жамияти акцияларининг 77 фоизини харид қилиб, ишлаб чиқаришни

замонавийлаштиришга 20 миллион доллар сарфлаш ниятида. «Промспецимпекс» компанияси эса Тошкентдаги «Фотон» очик акционерлик жамияти акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш борасида музокара ўтказмоқда.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик доир янгилик сифатида яқинда Москвада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолият бошлаганини келтириш ўринлидир. Тошкентда Россия Федерацияси ҳукумати хузуридаги Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг («Росзарубеж-центр») ваколатхонаси ишлаб турибди. Икки мамлакат олий ўқув юртлири, тиббиёт муассасалари ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган, бу ўз сармоясини бераётган.

Президентлар мамлакатларимизнинг ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун муносабатлар асос ва кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар. Олий даражадаги мулоқотлар, маъмуриятлашувлар ва амалий учрашувларни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида ташриф амалий мақомага эга бўлса-да, Президент В.Путин билан музокара натижаси кутилганидан кўра салмоқли бўлгани таъкидланди. Ўзбекистон ва Россия ташқи сийосат маҳкамаларининг ҳамкорлиги, икки томонлама муносабатлар, дунёда кечаётган ижтимоий-сийсий жараёнлар юзасидан фикр алмашилди. Ислом Каримов Россия Са-

ноатчилари ва ишбилармонлари иттифоқи раиси Аркадий Волскийни қабул қилди. Учрашуда икки мамлакат санат корхоналари ва ишбилармон доираларининг бевосита алоқаларини янада ривожлантириш, маъмур иттифоқ билан Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлар палатаси ўртасидаги ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Ушбу учрашув сафар самараси анча юқори бўлганлигини яна бир қарра кўрсатди. Унда «Нефтяная компания «Лукойл» очик акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперов, Россия Савдо-санат палатаси раиси Евгений Примаков қатнашгани ҳам бунни тасдиқлайди.

Мамлакатимиз раҳбари ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги бош директори Виталий Игнатенкони ҳам қабул қилди. Ахборот алмашиш ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлигини ривожлантириш суҳбатининг асосий мавзуси бўлди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунига етди. Президентларнинг ҳар бир учрашуви барча соҳаларда сезиларли юксалишлар рўй беришига олиб келадигани аниқ. Ислом Каримовнинг Москвага бу гапни сафари Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигида янги босқични бошлаб бериши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ,**  
**Тошкент-Москва-Тошкент.**

## «ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

**Азиз дўстлар!**  
Сизларни «Ўзбекистон металлургия комбинати» ташкил топганига 60 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатингиз, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига қўшаётган бебаҳо ҳиссангиз учун Сиз, бирлашма меҳнат жамоасига чуқур миннатдорлик билдираман.

Бугунги кунда мамлакатимиз эришган ютуқларда «Ўзбекистон металлургия комбинати»нинг алоҳида ўрни бор ва у санатимиз тараққиётида белгилوучи рол ўйнамоқда. Мартен цехини ишга тушириш билан ўз тарихини бошлаган бирлашма ҳозирга келиб муттасил ривожланиб бораётган улкан корхонага айланди. Бу корхона ҳар йили амалда барча тармоқлар учун зарур бўлган 500 миң тоннага яқин тайёр прокат ишлаб чиқармоқда.

Бекободлик металлургия жонажон комбинати Ўзбекистон оғир санатининг етакчи корхонаси эканлиги билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Айниқса ўтиш даврининг қийинчиликлари қарамай, сизларнинг ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятини фақат сақлаб қолмасдан, балки уни юксалтиришнинг таъини сазовордир. Бирлашма жамоаси тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини йил сайин кўпайтира бориб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш дастурини рўйбга чиқариб келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик йиллари мобайнида комбинат мамлакатимиз бозоридида ва хорижий металл прокат ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўз мавқеини мустаҳкамлаб, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқда. Сизлар электрда пўлат эритиш комплексини реконструкция қилиш ишларини якунлаб, энг илғор технологияларга таянган ҳолда комбинатни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш давом эттириб бораётганингиз, ўзингизни бозор муносабатлари шароитида тобора дадилроқ ҳис этаётганингиз менга қувонч бахш этади.

Шулар қаторида комбинат меҳнат аҳли ўз корхонасининг Бекобод шаҳри ҳаётида ўзига хос муҳим ўрин тутганини англаб, ижтимоий соҳани ҳам изчил ривожлантириб бораётгани, аҳолининг самарали меҳнат қилиши ва яхши дам олиши учун шарт-шароитларни вужудга келтириб беришга қатъий эътиборини кўрсатишга менга қувонч бахш этади.

Бу ерда ўтган йиллар мобайнида кўп миллатли аҳли, иноқ жамоа ва унда фуқаролик бурчинини чуқур ҳис қилиш, уни юракдан адо этишга, Ватанга наф келтиришга интилиш каби бирлашма меҳнаткашларига хос олижаноб фазилатлар шаклланди. Шу босқичдан ҳам комбинат меҳнат аҳли энг мураккаб вазифаларни удралашга қодир бўлиб, эл-юртимизни ҳурматини қозонмоқда. Ҳозир бу ерда кўп йиллардан буён ўз тақдирини ушбу корхона билан боғлаган одамлар, меҳнат сулоаларини фаолият кўрсатиб, ўзларининг юксак маънавий қадрият ва инсоний фазилатларга асосланган ҳаёт тажрибаси ва касб маҳоратини йилларга сингирмоқда. Жамоангизнинг гоят катта бунёдкорлик кучи мана шунда ва бу эса янги меҳнат зафарларига эришишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ишончли комиллик, сизлар учун бугунги шонли сана - қўлга киритилган ютуқларга яқин ясаш, уларни таҳлил қилиш палласи бўлиб қолмасдан, мавжуд муваффақиятларини мустаҳкамлаш, келгуси ривожланиш истиқболларини белгилаб олиш имкониятини беради.

Қадрли дўстлар, сизларнинг ажойиб жамоангизини яна бир бор чин дилдан самимий қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, хонадонларингизга қут-баракат, эзгу ишларингизни амалга оширишда зафарлар тилайман. Сизларга омад ёр бўлсин, ҳалол ва фидокорона меҳнатингиз доимо самара ва қувонч келтирсин.

**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Матбуот сўзининг таъсири

### ТАНҚИДДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИЛДИ

Газетанинг шу йил 23 март сонидида «Ўзбекистоннинг маъмуриятининг қаровсиз қолишига сабаб бўлмоқда» сарлавҳаси остида танқидий мақола чоп этилган. Унда Балиқчи тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда ўқув моддий-техника базасини кучайтириш соҳасида қилинаётган ижобий ишлар билан биргаликда айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланган.

Ана шу мақолага билдирилган муносабат юзасидан яқинда туман мутасаддиларидан жавоб хати олдик. Жумладан, унда шундай дейилади:

«Мақола туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими кенгаши йиғилишида чуқур муҳокама этилиб, кенг қамровли тадбирлар белгиланди. Айни кунларда ушбу тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда ҳамда, таълим-тарбия муассасалари жамоалари ва раҳбарларининг масъулияти кучайтирилди.

Туман ҳокимининг қарорига асосан 2004-2008 йиллар давомида қурилиши ту-

галланмаган 6 та мактаб биносини ишга тушириш, 11 та мактабни реконструкция қилиш, 37 та мактабни капитал таъмирдан чиқариш, ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 1405 та ўқув-чилар партаси 103 дона синф доскаси сотиб олишга маблағ ажратилиш шундай режага киритилди.

Мақолада қайд этилган 35-мактабда тўлиқ таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмади. Мактаб атрофида 800 туп, 36-мактаб майдонларида 600 тупга яқин мева ва манзарали кўчатлар ўтказилди.

Умуман, муассасаларда кўчаларнинг таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, кўчат ўтказилмоқда, гулзорлар барпо этилмоқда.

Барча ишларда қатор ҳомию ташкилотлар, тадбиркорлар ҳам яқиндан ёрдам бермоқда».

**А.АЛИБОВ,**  
**Балиқчи тумани халқ таълими бўлими мудири**

### «ИЖРО ИНТИЗОМИ НЕГА БЎШ?»

Газетанинг шу йил 31 март сонидида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақола вилоят кичик бизнес, матбуот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар қасаба уюшмаси кенгаши раёсатининг 2 апрел кунги тармоқ, шаҳар, туман кенгашилари ва бирлашган кўмиталари раислари иштирокида ўтказилган мажлисда муҳокама этилди.

Мақолада кўрсатиб ўтилган Пахтабод туман тармоқ қасаба уюшмаси кенгаши фаолиятидаги ютуқлар билан бирга йўл кўйилган камчиликлар тўғрисида туман кенгаши раиси Х.Шерматовнинг ахбороти тингланди. Ҳақиқатдан ҳам кўрсатилган камчиликларга йўл кўйилганлиги, келгусида бундай нуқсонлар барҳам топishi алоҳида таъкидланди.

Қатнашчилар камчиликларни бартараф этиш,

келгусида қасаба уюшма ташкилотларининг бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлари тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида вилоят кенгаши раёсатининг қарорини қабул қилди, вазифалар белгиланди. Шунингдек, кун тартибига киритилган масалалар бўйича тармоқ кенгашининг «Меҳр ва муруват йили» учун тадбирлари ва Дастури ишлаб чиқилди.

Пахтабод туман савдо ва ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти томонидан Кенгаши учун алоҳида хона ажратилди, зарур маийий шароитлар яратилди, алоқа воситаси билан таъминланди. Қасаба уюшма аъзолик бадаллари ва ижтимоий сугурта тушумларидан мавжуд қарзларни тугатиш ҳамда тушумларини ўз вақтида туширилишини таъминлашни ташкил этиш бўйича зарур ишлар олиб борилмади.

Тармоқ кенгаши раиси

**М.Йўлдошев,**  
**Анджон вилоят кичик бизнес, матбуот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар қасаба уюшма кенгаши раиси**



Евёвон автотранспорт касб-ҳунар коллежиди талабаларга ташкил қилинган бўлиб, ҳозирда 583 нафар талаба таҳсил олмақда.

Мазкур ўқув муассасаси Жанубий Корея лойиҳасига киритилган бўлиб, лингафон, компьютер, ўқув амалиёт хоналари замон талабига жавоб беради. Бу ерда автомобилларни синаш, бухгалтерия ҳисоби, тикувчилик, автомобилларни ишлаш ва таъмирлаш каби мутахассислик йўналиши бўйича таълим берилади.

Коллеж 180 ўринли ётоқхонасига, 8361 дона китоб фондига эга.

**Суратларда: 1-курс талабаси Гулнора Саидолимова; талабалар компьютер хонасида. Муқимжон КОДИРОВ (Ўза) олган суратлар.**



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг металлургия санатини ривожлантириш, иқтисодий қудратини юксалтириш, ишловчиларни амалга оширишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»  
**Муротов Акрамжон** - кислород-компрессор цехининг участка бошлиғи  
**Рудий Вячеслав Федорович** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандис ўринбосари, муҳандислик маркази раҳбари  
**Тўйчиев Алим Исмоилович** - электрда пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси

- «МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН  
**Абдурахмонов Ботирали Исматович** - автомобиль-транспорт цехининг ҳайдовчиси  
**Вильям Пётр Яковлевич** - электрда пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси  
**Дўсаматов Абдумажит Абдусаматович** - 1-навли прокат цехининг вальцовшиги

- «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош иқтисодчиси  
**Ким Трофим Владимирович** - электрда пўлат эритиш цехи бошлигининг меҳнат асбоб-қуроллар бўйича ўринбосари  
**Капленко Сергей Трофимович** - назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика цехининг катта устаси  
**Копа Николай Валентинович** - 2-навли прокат цехи вальцовшиги  
**Курносоева Лидия Ивановна** - алоқа ва технология бошқаруви цехининг электр монтаж бригадаси бошлиғи

- «ДУСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**  
**Аблязов Эдем Рашатович** - 2-навли прокат цехи бошлигининг янги технологияларни жорий

- «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**  
**Фармонов Александр Косимович** - «Ўзбекистон

- металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори  
**«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**  
**Абдурахмонов Ботирали Исматович** - автомобиль-транспорт цехининг ҳайдовчиси  
**Вильям Пётр Яковлевич** - электрда пўлат эритиш цехининг пўлат эритувчиси  
**Дўсаматов Абдумажит Абдусаматович** - 1-навли прокат цехининг вальцовшиги  
**Кишкан Любовь Ивановна** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг капитал қурилиш ишлари бўйича ўринбосари  
**Османов Рустем Усеинович** - электрда пўлат эритиш цехи бошлигининг ўринбосари  
**Холматов Абдуазиз Абдуазарович** - қурилиш-монтаж трести бошқарувчиси  
**Йўлдошев Равайн Абдураимович** - металлургия пелларини таъмирлаш цехининг гишт терувчилар бригадаси бошлиғи  
**«ДУСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**  
**Аблязов Эдем Рашатович** - 2-навли прокат цехи бошлигининг янги технологияларни жорий

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетда)  
**Мадалиев Баходир** - мартен цехининг устаси  
**Мирқубонова Мирқамол Акбарович** - «Тошкент иккиламчи қораметалл» Сирғали цехи кесувчиси  
**Халибаев Асан Джерапович** - 1-механика-таъмирлаш цехининг таъмирловчи-чилангари  
**Чекалова Людмила Павловна** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-болалар бочаси мудариси  
**Шуваев Борис Яковлевич** - 1-навли прокат цехи бошлигининг ўринбосари  
**«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**  
**Баратов Умид Усанбаевич** - 2-навли прокат цехининг вальцовшиги  
**Дранников Григорий Алексеевич** - 1-навли прокат цехининг оператори  
**Завьялов Николай Петрович** - мартен цехининг электр монтери  
**Коровин Владимир Ильич** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандислик марказининг техника бошқармаси бошлиги

**Кодиров Маҳаматхон** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббий-санитария қисмининг врач-отоларинголог  
**Мамарасулов Каримжон Раҳматович** - 2-навли прокат цехининг электр монтери  
**Нибзаев Матмурод** - темир йул цехининг тепловоз машинисти  
**Нибзатов Салимбой Шерматович** - электрда пўлат эритиш цехининг таъмирловчи-чилангари  
**Содиқова Шакархон Ибрагимовна** - халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехининг сирловчиси  
**Турсунбоев Зокирхон Умарович** - Бекобод саннат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси  
**Тў Виктор** - техник ўлчов асбоблари лабораториясининг бошлиғи  
**Хидиралев Фозилжон** - 1-навли прокат цехининг таъмирловчи-чилангари  
**Хусанов Ҳасим** - 1-навли прокат цехининг вальцовкари  
**Ҳамроев Рамазон Исанович** - автоматлаштириш ва механизациялаштириш марказий лабораториясининг чилангар-механик йиғувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентини  
 Тошкент шаҳри,  
 2004 йил 14 апрел  
**И. КАРИМОВ**

## УЧ ОЙДА 28 КОРХОНА

Шаҳарда йилнинг ўтган уч ой мобайнида ана шундай 28 тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтди. Уларнинг ўнтаси кичик корхона, ун саккизтаси микрофирмалардир. 340 нафар киши яқна тартибдаги тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. - Айни вақтда бизни беш-ўн йил илгари шоша-шошарлик билан ташкил этилган, ҳозирда мутлақо фаолият кўрсатмаётган корхоналар тақдирини ўйлангандир. - дейди тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Зикрилло Қодиров. - Қандайдир бундай корхоналар тугатилиши керак. Ҳозир уларнинг сони уч юзга яқинлашиб қолди. Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатда ўз низоми жамғармасини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия аявало, корхоналарнинг тўлақонли ишлаб кетиши учун зарур чораларни кўрмоқда. Фаолият йўналишини қайта қуриб чиқиш, юридик масlahат бериш, қарид олиш борасида амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Натижанда йилнинг дастлабки чорага «Дорилфунун», «Саломат-Нарғиз», «Лобар», «Содиржон-Барака», «Соғлом», «Аср» каби йигирмага яқин кичик корхона ва хусусий фирма банкдан янги ҳисоб рақами очиб, фаолиятини қайтадан йўлга қўйди. (ЎЗА)

## МЕХНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР



Гулом ХИДИРОВ, «Ишонч» мухбири

Оққўрғон туманидаги С.Сезизбоев номи ширкат ҳўжалигида деҳқончилик ишлари қизғин давлат этмоқда. Айни кунларда далада ерга чигит қадаш ишлари якунига етмоқда. Ҳўжаликда оила пудрати усулида ишлаш кенг йўлга қўйилган бўлиб, бу қишлоқ ҳўжалиги ривожидан ўзини тўла оқламоқда. Жумладан, беш йилдан буён меҳнат қилаётган Карима Қунимова бу йилги режасига кўра, 13 гектарга галла экиб, гектаридан 60 центнердан ҳосил олишни режалаштирган.

- Бизда меҳнатқашлар манфаати асосий ўринда туради, - дейди ҳўжалик касабаси уюшма кўмитаси раиси Одил Комилов. - Улар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, ҳўжалик ҳисобидан сўт ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминланиб турилади. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар ҳам ҳамма диққат-эътиборимизда. Ишчиларимизнинг саломатлиқларини тиклаш мақсадида сўхаттоҳларга йўланмалар бериш ҳам тўғри ташкил қилинган. Йирилган хирмондан олган даромаддан илгор ишчиларимизни рағбатлантириш, тўй-маъракаларга ўзгаларига баҳоли қудрат ёрдам беришни йўлга қўйганмиз. Энг муҳими, ҳўжалик аъзолари ўзaro баҳамжихатлик билан меҳнат қилишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйилган.

Гулом ХИДИРОВ, «Ишонч» мухбири

## ТРАНСПОРТДА ЮРИШ УЮШМА ҲИСОБИДАН

Яқинда «Хоразмтранс» юк ва йўловчи ташиш уюшмаси Меҳр ва муруват йили муносабати билан хайри ишга қўл урди. Хивадаги 121-махсус мактаб-интернат ва «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига транспортдан бепул фойдаланишлари учун уюшманинг махсус гувоҳномалари топширилди. Шунингдек, уюшма маъмурияти ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар ва ногиронлардан 52 нафарига ҳам мазкур имтиёзли гувоҳномаларни тарқатган. Энди улар Урганч шаҳридаги ҳаракатдаги тўртта, шаҳар атрофидаги 53 та йўналишларда автобуслар хизматидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

## Касаба уюшма ва қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамкорлиги ЯРАШТИРУВ КОМИССИЯСИ

Миршкор туманидаги «Миршкор» қишлоқ фуқаролар йиғини ўз ичига тўртта маҳаллани қамраб олган. Унга маҳалланинг бообру кишиларидан бири Араббой Қосимов раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда ҳозирги кунда 16,5 миң нафар аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 14 миң нафари «Миршкор» ширкат ҳўжалигида ишлайди. Утган йили ҳосил ёмон бўлмади. Жами 560 миллион сўм даромад олинди. Бундан кўпчилиги баҳраманд бўлди. Кишиларнинг яшаш тарзи яхшиланди. Қишлоқ йўллари таъмирланди. Мавжуд 5 та мактаб, 2 та коллеж, лицей, боғча ҳам эътибордан четда қолмади. Икки нафардан аълочи ўқувчи ва талаба ҳўжалик ҳисобидан стипендия билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, таълим ва тарбия масканларининг ҳар бирига 5 гектаргача ер берилди.

Ҳўжаликда болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. 4,5 миллион сўм стадион қурилишига ажратилди. Яқин келажакда қурилаётган замонавий йўйингоҳ болалар билан гавжум бўлади. Фуқаролар йиғини таркибида яраштирув комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан талай оилалар сақлаб қолинди. Масалан, Қорамирзаевларнинг тўққиз нафар фарзанди бор. Эр-хотин ўртасидан оламушқў ўтди. Узаро муроСага кела олишмади. Яраштирув комиссияси ара-лашгандан сўнг оиладаги барҳам топаётган кадр-қиммат, меҳр-оқибат қайта тикланди. Хоназар Олимовнинг ўғли Баходир билан келинининг ҳам жан-жали ажралишгача бориб етди. Комиссия уларни инсофга чақириб, яраштириб қўйди. Маҳалла феоллари-нинг маслаҳати билан кам таъминланганларнинг 15 нафар ўғлига суннат қилинди ва уларнинг ҳар бирига банкда ҳисоб рақами очилиб, 10 миң сўмдан пул ўтказилди. «Ҳосил байрами» кунда эса 150 нафар ишчига қим-матбаҳо совға улашилди. 5 нафар бола суннатга ётқи-зилди. Йиғин қошидаги милиция таянч пунктида туңги постлар ташкил этил-ган бўлиб, маҳаллалар оқсоқиллиги таъминлана-ётди. Вояга ётмаганлар хулқ-атвори қаттиқ назоратга олинган.

Камаш туманидаги Навоий номи фуқаролар йиғини эса 3140 нафар ки-ши билан яраштирилган. Бу ерда мавжуд Яраштирув комиссияси таркиби 11 ки-шидан иборат. Айни чоғда улар амалга ошираётган ишлари билан эл ўртасида обрў қозонганди. Сабаби кўлаб бузилаётган оила-лар комиссияси арашулуғи туғйли сақлаб қолинди. Масалан, Нарзулла Тоғаев оиласидан чиққан олдйил баҳс катта жанжалга айлан-ди. Кўп йиллик меҳр-оқибат, ўн бир нафар фар-занд юзотир қилинмади. Гап қўйди-чиқдига бориб тақалди. Уларни ярашти-

риш учун комиссия аъзо-лари роса икки ой ҳаракат қилди. Натихада Эр-хотин инсофга келди. Эргаш Аҳмедовнинг оиласи эса Аҳмедовна-келин низоосидан нотинч эди. Фуқаролар йи-ғини раиси Олия Керибеева ва келинини чақириб, суҳ-батлашгандан сўнг бу оила ҳам аҳил яшай бошлади. Мазкур ҳудудда 1197 на-фар вояга етмаган бола бор. Уларнинг бўш вақти-ни мазмунли ва қизиқarli ташкил этиш учун маҳал-лаларда кўп иш қилинди. Мисол учун, ўсимларнинг дарсдан бўш пайтлари ҳамда шанба ва яқшанба кунлари футбол, волей-бол, шохмот-шашка каби спорт турлари бўйича му-собақалар мунтазам ўтқа-зиб турилибди. Бундан ташқари, маҳаллада ҳуқуқ тўғараги ишлаб турибди. Ҳудудда 5 нафар ёлғиз ва 5 нафар кам таъминланган оила бор. Уларнинг ҳоли-дан хабар олиниб, моддий ва маънавий кўмак кўрса-тилмоқда. Бу савоб ишда ҳомийларнинг хизмати кат-та бўлаётди. Мисол учун, туман дон маҳсулотлари очик ҳиссадорлик жамияти раиси Нормурод Жумаев кам таъминланган 3 оила-га моддий ёрдам қўрсапти. Тадбиркорлардан Хурсанд Бойматов, Файзулла Хол-муродов, Абдулла Арзику-лов, Мухиддин Шарипов-лар эса камхарж оилалар-га озиқ-овқат ва пул бил-ан ёрдамлашмоқда.

Фуқаролар йиғини ҳудуди-да кичик тадбиркорлик фао-лияти ҳам кенг қанот ёза-пти. Масалан, Зебинисо Бе-ктемирова Камаш туманида зардулик санъати устаси си-фатида ҳам шўҳрат топти. У тикаётган қўйлақ, дўппи, шиппак ва бошқа маҳсулот-лар келинчаларнинг бир ҳис-сага ўн хусн қўймоқда. Зе-бинисонинг шогирдлари кун сайин кўпайиб борапти. Динфўза Назарова 10 на-фар қизинг бошини бирик-тириб, миллий тўн тикши санъатини ўргатмоқда. Улар тикан маҳсулотлар харидор-лиги бўлиб, меҳнатлари ор-қасидан яшшигина фойда ҳам кўришмоқда.

Шарофат ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» мухбири

## КИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

Янгиқўрғон тумани-нинг «Исковот» қишло-ғида спорт соғломлаш-тириш мажмуасининг қурилиш ишлари бош-лаб юборилди. Тўрт гектар майдонда бунёд этилаётган мазкур мажмуада мураббийлар хонаси, меҳмонхона, югу-риш йўлкаси, сузиш ҳав-заси, ёлғиз спорт зали, баскетбол, волейбол ва футбол майдонлари ҳамда теннис корти қурилади. Унда миң ўринга мўлжал-ланган томошагоҳ ҳам барпо этиш режалашти-рилмоқда. Бундан беш йил олдин иқтисодий бақувват ҳўжа-ликлардан бири бўлган «Исковот» ширкат ҳўжали-ги раиси Усмонжон Наж-мидинов вилоят спорт кўмитаси раҳбари Шокир-жон Қорабоев қабулига кириб, қишлоқда йирик спорт мажмуаси куриш ниятини айтди. Бу так-лифдан Шокиржон қувон-иб кетди. Спорт мажмуасини қуриш учун бу қишлоқ бе-жиз танланмади. Чунки шу қишлоқдаги 26-мактаб-нинг волейболчи қизлари кейинги ўн йил ичида тўққиз марта вилоят чем-пиони, республика миқё-сида Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусо-бақаларида фахрли иккин-чи ўринни олишган. Мактабнинг 11-синф ўқу-вчиси Мухайё Розикова во-лейбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини-нинг аъзоси. У ҳозир Хи-тойда бўладиган Осиё че-мпionatoида иштирок этиш учун тайёргарлик қўрипти.

«Хашар» деган удум бу қишлоқда хали ҳам бор. Қишлоқ аҳолиси қурилиш ишларига баҳоли қудрат ёрдам беришяпти. Хар бир ҳондор навбати билан қурувчиларни ош бил-ан йўлаб туради. - Қурилишни икки бос-қичда амалга ошираёلمиз, - деди «Намангансукури-лиш» ОАЖга қарашли ет-тинчи механизациялашган кўчма шўмба корхонаси раҳбари Шўҳрат Раҳматул-лов. - Ишчи икки смена-да ташкил этганмиз. Қурилишга 160 милли-он 885 миң сўм маблағ ажратилган. Мажмуанинг очилиш маросими Муста-қиллик байрами арафаси-да бўлади. Уша кун и спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтқа-зилади.

«Туркистон пресс»



Сирдарё туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази ходимлари томонидан аҳолига юқори савиядаги тиббий хизмат кўрсатиш, қолаверса, ҳудудда тиббий-профилактика ишларини намунали йўлга қўйиш мақсадида кўпгина таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. - Марказ Сирдарё ва Бахт шаҳар-лари ҳамда туман ҳўжаликлариде истиқомат қилаётган 105 миңдан ор-тик аҳолига санитария-гигиена хиз-мати кўрсатади, - дейди ДСЭНМ бош врач, тажрибали мутахассис Турсун-бой Магомедов. - Кези келганда таъ-кидлаш керакки, олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ турли касалликларни анйклаш ва ол-дини олиш борасида салмоқли ютуқ-лар қўлга киритилмоқда. Дарҳақиқат, санитария эпидемио-логия назорат маркази ходимлари то-монидан махсус иш режаси асосида аҳоли ўртасида кенг қамровдаги ту-шунтириш-тарғибот тадбирлари му-нтазам олиб боришмоқда. Ташкилот, корхона ва ҳўжаликлар, таълим му-ассасалари ҳамда коммунал-маиший, овқатланиш шохбчаларида текши-рувлар ўтказилаяпти. Мисол учун, ўтган йили ДСЭНМ назорати остида-ги 519 та объектда 432 мартаба ла-

## «ОҚСУВ» ЙОГУРТЛАРИ

Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув» сўт за-водига Туркиядан келтирилган янги техно-логик линиялар ўрнатилган бўлган. Маз-кур ускуналар Европа тиланиш ва тараққи-ёт банкнинг 112,5 миң евро миқдоридеги кредитлари эвазига харид қилинди. Шу пайтга қадар корхона бир ке-чакундузда 20 тонна сўтти қайта ишлаб, йи-гирма турда маҳсулот тайёрлар эди. Янги ускуналар ўрнатилган, қорхона бир ке-чакундузда 30 тонна сўтти қайта ишлашга мурваффақ бўлади. Шунингдек, бу ерда тайёрланадиган маҳсулотларнинг тури яна олтигага кўпаяди. Янги технологиялар шарофати билан за-водда кимёвий аралашмалар қўшилмаган, сақланиш муддати икки ҳафта бўлган йо-гуртлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотнинг маҳаллий бозорлардаги аҳолилик муддати беш ой, аммо у турли аралашмалар қўшилган импорт йогуртлар-нинг ўрнини бутунлай эгаллаши мумкин. Бундан ташқари, завод келгусида шу кунга қадар Болтиқбўйи давлатларидан кел-тирилатган маҳсулот билан бемалол рақо-бат қиладиган пишлоқ ва шифобахш ичим-лик - айрон ишлаб чиқаришни режалаш-тирмоқда. Ишлаб чиқариш қувватининг ошиши ту-файли иш ўринлари сони яна ўнгага кўпая-ди. Корхонада кадрлар тайёрлаш масаласи-га ҳам жиҳдий эътибор берилмоқда. Яқин-да заводнинг уч нафар ходими Туркияда ма-лака ошириб қайти.



чора-тадбирлар белгиланди. Чунон-чи, 161 нафар жавобгар шахса нис-батан қарийб 1 миллион 102 миң сўм миқдориде жарима қўлланилди. 16 та объект фаолияти вақтинча тўхтатилди, 8 нафар шахс муайян муддатга ишдан четлатилди. Суратларда: туман ДСЭНМ бош врач Турсунбой Магомедов ва эпидемиолог-шифокор Оля Ким қилинган ишларни бир кўздан кечиряпти; марказ ходимлари (чапдан) Лазиз Қаҳқоров, Хайрид-дин Беридзе ва Мансур Султонов-лар келгуси ишлар тўғрисида суҳ-батлашмоқда. К.ОЛЛОЕВ, «Ишонч» мухбири, Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

## ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Дарҳақиқат, санитария эпидемио-логия назорат маркази ходимлари то-монидан махсус иш режаси асосида аҳоли ўртасида кенг қамровдаги ту-шунтириш-тарғибот тадбирлари му-нтазам олиб боришмоқда. Ташкилот, корхона ва ҳўжаликлар, таълим му-ассасалари ҳамда коммунал-маиший, овқатланиш шохбчаларида текши-рувлар ўтказилаяпти. Мисол учун, ўтган йили ДСЭНМ назорати остида-ги 519 та объектда 432 мартаба ла-

## СОХТА ТАДБИРКОР КОНИ ЗАРАР

истагини билдирган фуқаро-лар 4,7 миң кишига, маи-ший хизмат кўрсатиш истаги-ни билдирган фуқаролар эса 3,2 миң кишига қўлайди. Улар белгиланган қонун-қончалик қўпайса, амал қилган ҳолда фаолият юритиб янги-янги ютуқларни қўлга кирит-моқдалар. Қонунга чап бера-ётганларни эса ҳаётнинг ўзи жазаоламоқда. Жойлардан Давлат солиқ кўмитасининг на-вабатчилик қисмига келаёт-ган тезкор маълумотларда ҳалол тадбиркорлик билан шуғулланиш ўрнига қинғир йўллар билан даромад то-дишга киришиб кетган айрим сохта тадбиркорлар «фаоли-яти»га баҳо берилаяпти. Андижонлик Машрабжон Жақбаров ҳар кун «Дамас» машинасида қирақашлик қилиб, йўга қоч қорайганда қайтарди. Қошда бўйича у ҳокимиятдан тадбиркор сифа-тида рўйхатдан ўтиши, аҳоли-га пуллик транспорт хизмати


## «Ишонч» фой этади

Лекин, афсуски, тадбир-корликнинг айрим турлари билан шуғулланиш тақилан-ганлигини баъзи кишилар ту-шуниб етишмаяпти. Масалан, уй шароитида спиртли ичим-ликлар ва ёғ тайёрлашга йўл қўйилмайди. Шунга қарамай айрим фуқаролар қўлбола ёғ ва спиртли ичимликлар тай-ёрлаб истеъмолчиларни за-ҳарламоқдалар. Қўлбола спиртли ичимлик-лар тайёрлаб сотишни касб этиб олган сохта тадбиркор Р.Тўрақулов устидан яқинда жиноят иши қўзғатилди. Сур-хондорё вилояти Қўмқўрғон тумани «Исломобод» маҳал-ласида истиқомат қилувчи бу сохта тадбиркор уй шароитида тайёрланган 150 шиша ароқнинг ҳар шишаси касса машинаси ўрнатмаган ҳолда 80 турдаги 563 миң сўмлик озиқ-овқат, 7 турдаги тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётган пайтда фао-лиятига чек қўйилди. Қўрғон-тепа туман Давлат солиқ ин-спекцияси ходимлари текши-рув давомида унга тадбиркор-лик билан шуғулланиш тар-тибини тушунтириб, тавсия-лар беришди.

Худди шундай ҳолат Самарқанд вилояти Каттақў-рғон шаҳар Бобораҳим Маш-раб кўчасидаги 72-уйда ҳам аниқланди. Бу ерда 33 шиша қўлбола ароқ, турли ёрлик ва қоққоллар, сохта акциз марка ва воситалар далилий ашё сифатида ҳўжатлари эса ҳуқуқий ҳу-лоса олиш учун тегишли идораларга юборилди. Умуман, ўтган ойларда жисмоний шахсларни со-ликка тортиш бўйича 19 миңга яқин қисқа мuddат-ли текширувлар ўтказилиб, 24 миңга яқин қонунбузар-лик ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарлар қилмишлари-га яраша жазаолашилди. Ҳалол тадбиркорлик учун барча шароитлар яратилган ҳозирги пайтда тўғри йўл қолиб, эгри йўлга ўзини уриш инсофдан эмас. Қин-ғир ишинг қийғири бугун бўлмаса эртага албатта чи-қади. Шундай эҳан, бола-чакани ҳалол лўкма билан боқишга одатланылик. Халолликда ҳикмат мулти-гини унутмайлик. Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ кўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси



СПОРТ КОШОНАСИ



Бундан бир йил олдин Урганч шаҳрида Олимпия захиралари касб-хунара коллежи очилган эди. Ҳозирда бу ерда 1050 талаба ўқимокда.


Талабаларнинг ҳар томонлама билим олиши, спортнинг кўплаб тури билан шуғулланишлари учун коллежда намунали ишлар амалга оширилган. Зеро, бир йил ичида ушбу спорт кошонаси Хоразм ёшлари масканига айланди.

Этиборлиси, спортнинг йигирма тури бўйича мутахассис тайёрлайдиган ушбу маскан вилоятда ягонадир. Бу ерда ўн та иншоотдан иборат ўқув бинолари, ёзиқ хамда кишики (очик ва ёпиқ) сув хазалари, бадий гимнастика зали, стадион ва бошқа спорт майдончалари мавжуд.

Суратда: Урганч шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи;

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЛОКАТОР БОР

Зарифа ишдан келибоқ овқатга уннад. Сўнг кир ювди, чанг-чунгин артди. Хар кун юмуш қилаётганида «Онажон, юринг мен билан бирпас ўтиринг» дейдиган қизалоғи ҳозир негадир кўринмасди. «Е мазаси бўлмай қароватда ётганикин?» У ташвишлиниб ичкари хонага бош суқди. Беш ёшли қизалоғи диванда оёқларини чалиштириб (худо онасига тақдир қилиб) ўтирар, тиззасида эса ўйинчоқ телефон, унинг жажжи гўшанини кулгоғига кўндириб ким биландир «Берилиб» суқбат қилмоқда эди. Зарифа қизикчи бир зум кулқоқ солиб турди.

беш мингдан. Ҳамма маошим шунга кетди. Ўзингиз нима олдингиз? Бир кийимликдан велюр? Ҳа, энди сиз икки жойда ишлайсиз-да, ҳаменингиз кўтарари. Нима? Ўтган кунги чарларда кўринмадингиз дейсизми? Ҳая, мазам бўлмай ётудим, уйда. Қон босимим сал ошибди. Ҳозирми? Анча яхшиман. Дори-дармон қилувдим, ўтиб кетди...

ман, қизимни ўйлаб. Бош омон бўлса, дўппи топилар. А? Кейин шовиб қоласиз, дейсизми? Ҳая, рост. Битта-битта олиб, сандиққа солиб қўяй дейман... пил ўлгурни ҳеч жамлаб бўлмай қолди. Бу ёқдан маоши оласан, у ёқдан суқдай оқиб кетади!

Ҳажвия

ишқилиб? Айвонгайм ўтиришимди? Яхши. Сарполардан гапирсангиз-чи. Нима? Тилла буюмлари бир сидрадан эканми? Вой, ўлмасам? Нега оз? Ҳм. Қолганини бешик тўйида қиламан, дедими? Ҳая, бешик тўйидаим ҳозир икки сидрадан тилла буюм қилишлатти. Ўтган кунги холамниқига борганда кўрдим. Нақ ўн дона тилла нарса берди, қизига. Ўзим бирма-бир санаб турдим. Менга қаранг, қолганларим ҳаракатга тушиб қўлгандирсиз? Ахир катта қизингиз уч-тўрт йилда ўн сақкиза тўлади, ше-килли. Оз-моз йиққанман, дейсизми? Ҳа, биздан яширасиз-да, ўртоқжон! Иккита тўясан-дирми? Кизим ҳали ёш-ку, эн-дигина бешга тўлди. Нима? Бешикдалигидан йиғиш керак? Қўйинг-е, бир оз вақт тинг-на яшай. Шундоғам чарлару бешик тўйлардан қайтсам, неча кунлар ухломлай чиқа-

ман, қизимни ўйлаб. Бош омон бўлса, дўппи топилар. А? Кейин шовиб қоласиз, дейсизми? Ҳая, рост. Битта-битта олиб, сандиққа солиб қўяй дейман... пил ўлгурни ҳеч жамлаб бўлмай қолди. Бу ёқдан маоши оласан, у ёқдан суқдай оқиб кетади!

ГУЛЖАМИЛА

Ним табассум

Каттиқ қайф қилган эр эрталаб туриб хотинидан суқради. - Костюмимни тозалаб қўйдимми. - Тозаладим. - Шимимни-чи? - Уни ҳам. - Туфлимни ҳам тозалаб қўйгандирсан? - Ие, туфлимнинг ҳам чўнтаги борми? Самолёт аварияга учраб, одамхўрлар яшайдиган оролга тушди. Болалар отаси билан самолёт синикларини титқилаб учувчини топдишди. - Дада, уни нонуштада еймиз, ҳўпми? - Ҳўп. Шундай қиламиз. Болалар бироздан кейин иккинчи учувчини топдишди. - Дада, уни тушликага еймиз. - Ҳўп. Шундай қиламиз. Яна бироздан кейин стюардессани топдишди. - Дада, уни кечки овқатда еймиз. - Йўқ! Кечки овқатда онангизни еймиз, болалар!

килли, - деди офисинатка кафе хўжайинига, - ранги-рўйимдан мазас қочган кўринади. - Нега бундоқ депасиз? - Қайтимини берсам, эркаклар санаб оладиган бўлиб қолишди. - Бир килограмм неча грамдан иборат? - Етти юз-сақкиз юз грамм... - Яхши. Эртдан бошлаб ошпаз сифатида иш бошлашимиз мумкин. Талаба курортда ижарага олаётган уйининг бекасига манзур бўлиш учун хушомад охангидебди: - Ўтган йили кетаётганимда бекам йиғлаб қолган эди... - Менда бунақа бўлмайди! Мен ижара ҳақини олдиндан олиб қўяман. Ярим кечада хилват кўчалардан бирида: - Агар сиз менга бор пулингизни берсангиз, битта хурматли одамнинг ҳаётини сақлаб қоласиз... - Кеңирасиз, лекин унақа хурматли одамдай кўринмайсиз-да. - Биламан. Мен сизни назарда тутяпман. Хотини эрдан суқрапти: - Нега қўшимиз билан шоҳмат уйнамай қўйдим? - Ҳадеб фирромлик қиладиган, ютқизса жанжал кўтарадиган одам билан сен ўйна-риндинг? - Йўқ, албатта. - Қўшимиз ҳам уйнамай қўйди.

ман, қизимни ўйлаб. Бош омон бўлса, дўппи топилар. А? Кейин шовиб қоласиз, дейсизми? Ҳая, рост. Битта-битта олиб, сандиққа солиб қўяй дейман... пил ўлгурни ҳеч жамлаб бўлмай қолди. Бу ёқдан маоши оласан, у ёқдан суқдай оқиб кетади!

Ўзда кўпайиб, кузда камаяди

Уч атом кислороднинг бирикүвидан ташкил топган озон молекуласини бундан 210 йил бурун голландиялик физик Ван-Марум аниқлаган. Озон жуда паст ҳароратда қотди ва эрийди, енгил парчаланди. Озон ёзда кўпайиб, кузда камаяди. У 20-25 километр баландликда ерни ультрарабинаш нурлардан сақловчи қават ҳосил қилади. Озон момақалдирак пайтида ҳамда қуёшнинг ультрарабинаш нурлари таъсирида ҳосил бўлади. Ҳозирги вақтда озондан сувни дезинфекциялашда, ҳавони тозалаш, газмолларни оқариш, минерал матлар ишлаб чиқариш, химиявий реакцияларда оксидловчи сифатида қўлланади. Умуман озоннинг каттагина қисми инсон эҳтиёжлари учун сарфланади. Қуёш радиацияси таъсирида кечувчи фотохимиявий реакциялар ҳам озонга қирон келтиради.

Турфа олам

Американинг «Белл» корпорацияси ўз харидорларига янги телефон тавсия этишганига ҳам анча бўлди. Бу телефонда рақам терилмасдан, оғзаки буйруқ берилса, бас. Масалан, «полиция» сўзи овоз чиқариб айтилса, телефоннинг ўзи керакли рақамни тиради. Унинг электрон хотирасига шунга ўхшаш 36 та атама жойлаштирилган. Америка дўконларида боғча ёшидаги болаларга мўлжалланган «Литл оператор» телефонлари сотувга чиқарилди. «Плескул электроникс» фирмаси чиқарган бу телефонларга рақамли диск ўрнига турли рангдаги расмлар - полициячи, олов, тез ёрдам машинаси ва бошқа суратлар чизилган йирик тугмалар ўрнатилган. Бола керакли расмли тугмачани босса, ўша заҳоти алоқа боғланади.

«ПАХТАКОР» - «НАВБАҲОР» - 3:0

Ушбу сатрларни қозоғга тушираётганимиз паллада «Пахтакор» - «Навбахор» матчида бўлак учрашувлар ҳали бошланмаган эди. Шунга кўра асло қўзда тутилмаган мағлубият алами-олмай, муҳим икки очкони бой берди. Лекин, бунга тушуниш мумкин. Бундай ҳол Мадриднинг «Реал» каби клублари билан ҳам юз бериб туради. Зеро, «Навбахор» бу йил ўзининг нима-ларга қодирлигини «Пахтакор» стадионидан намойиш этиши кўтилган эди. Лекин, ундай бўлмади. Илк дақиқаларданок майдон эгаларининг устулчилиги сезилди. Бунгача ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб келаётган Павел Бутенкодан ҳам омад юз ўғирди. Айниқса, бу Л.Кошелев томонидан амалга оширилган голда яққол намоён бўлди. Зарб билан тепилган тўп йўл-йўлакай химоячилардан бирига тегиб ўз йўналишини ўзгартирди, бу эса, табиийки, дарвозабонни чалғитди. Ҳисоб ана шундай очилди. Энг қизиги, бундай пала-партишлик бутун ўйин давомида тез-тез юз бериб турди. Чамаси, меҳмонлар бу матч олдида хаддан ташқари ҳажжонга берилганликлари акс таъсир қилган кўринади. Боз устига ҳужум ҳам қовушмади. Мухлисларда катта қизикшиш уйғотган ва уларни атайлаб стадионга келишга даъват этган легионер Патрик Арбо ҳам, чемпионат тўпурари Шўҳрат Мирҳолдирқоёв ҳам шу кунги ҳеч нарса қила олмадилар. «Пахтакор»нинг ўйини эса анча қовушди. Айниқса, Зайниддин Тожиев турдан-турга «очилиб» бораётганини исботлади. У бир йўла икки гол муаллифига айланди. Шундай қилиб, ишқибозлар ҳам, мутахассислар ҳам ориқизиш билан кутган гигантлар баҳсининг биринчиси майдон эгаларига қулиб боқди. «Нефтчи» ва «Насаф» жамоалари ўртасидаги учрашув жуда кўпball саволларга жавоб беради. Зотан, бу йилги чемпионат айнан ушбу тўрт клуб ўртасида кечиси ҳозирданок маълум бўлиб қолди.

Эзгулик боқийдир

Қўлигул дурадгор Исмоил ака уйим-жойим, бола-чақам дейдиган орзу-хавасли инсон. Ешлиги қийинчиликда, рўзгор ташвишида ўтганини боис энди болаларим ўқисин, энг яхши мутахассислар бўлиб етишишсин, дей жигаргўшаларини илгма, китобга йўналтирди. Бўш қолди дегунча белни боғлаб, томорқада сара неъмат етиштириш пайида бўлди. 8 нафар ўғиллар ҳам оталарининг оғирини енгил қилиш ҳаракатида бўлишарди. Бахтли оила ўз қувонч ташвишлари билан яшаётган чоғда қутилмаган воқеа рўй берди. Тўнғич ўғил Нозимжон касалликка чалинди. Шифокорларнинг таъкидлашларича, ўпкасини қаттиқ шамоллатибди. Ота-она бир ой мобайнида кўпдан-кўп шифокорларга мурожаат қилишди. Бирок, ўсмирнинг дарди енгиллаш-

Телефонлар оламида

Американинг «Белл» корпорацияси ўз харидорларига янги телефон тавсия этишганига ҳам анча бўлди. Бу телефонда рақам терилмасдан, оғзаки буйруқ берилса, бас. Масалан, «полиция» сўзи овоз чиқариб айтилса, телефоннинг ўзи керакли рақамни тиради. Унинг электрон хотирасига шунга ўхшаш 36 та атама жойлаштирилган. Америка дўконларида боғча ёшидаги болаларга мўлжалланган «Литл оператор» телефонлари сотувга чиқарилди. «Плескул электроникс» фирмаси чиқарган бу телефонларга рақамли диск ўрнига турли рангдаги расмлар - полициячи, олов, тез ёрдам машинаси ва бошқа суратлар чизилган йирик тугмалар ўрнатилган. Бола керакли расмли тугмачани босса, ўша заҳоти алоқа боғланади.

Хотима уйғонса - гўзалдир

Жабборнинг «Ҳиёнат» асарларида бош ролларни қўйиллатиб ижро этиб бўру қозонида ва томошабинларнинг хурматига сазовор бўлди. Рустамжондаги туғма истеъод институтини битириб театрда ишга келганидан сўнг чинакамга камолга етди. Саҳнага қўйилган драмалардаги қуллиги обрларини унга топириш одат бўлиб қолди. Туманларга, бошқа вилоят ва шаҳарларга сафар чоғида энди томошабинлар ундан ана шу саҳна асарларидан Р.Ҳамроқулов талқинидаги кимсларни ижро қилиб беришни суқрашарди. Шу тарихта Рустамжон комик артист сифатида бутун Ўзбекистонга танилди. Водийдаги тўй ва тадбирлар Рустам қизикчининг ичак узди латифалари-ю, асияларисиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Зеро, бугунги кунда саҳнамаиз кулги сардорларига айланган Ҳожибой Тожиев, Мирзабек Ҳўлмедов, Обид Асомов ва бошқалар бир маҳаллар Рустам Ҳамроқулов яратган қизикчилик мактаби аъналарининг давомчиларирид, десак янглишмасак керак. - Нозик таъб, инжиқ санъаткор эди. Ўз устида ишлашдан эринмас ва чарчасмас эди. - деди у ҳақда театрнинг бош режиссери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Қозим Йўлдошев. - Ҳаммага ёрдам бергиси келарди. Унда ички маданият, адолатпарварлик, ташки одобу тавозеъ уйғунлашиб кетганди. Қачонки, бирон жойга биргаликда борсак, томоша муваффақиятли ўтишига қатъий ишонардик ва чиндан ҳам шундай бўларди. Энди ўйлаб қарасам, Рус-

Вакт ўткнчи, умр бевафо, деганлари тўғри экан.

Бугун сиз у ёки бу сабаб тўғрйли мулоқот қилиб турган одамнингиз билан охири марта учрашиб турганлигингиз сира ҳаёлингизга келмас экан. Ногаҳон, оилавий альбомни арақлаб ўтириб Рустам Ҳамроқулов тирлигининг сўнгги кунда бир маҳаллада яшайдиган қўшнлар йиғилиб бирга тушган расмга кўзим тушиб қолди.

Хотима уйғонса - гўзалдир

РУСТАМ ҚИЗИК



қулов фақатгина тенгсиз сўз устаси, теран фикрли, дарада йиғилган минглаб кишиларни икки-уч соатлаб ичак узди латифалари билан сехрлаб, дунё ташвишларини унуттирадиган, умрларига-умр қўшадиган санъаткоргина эмас, кези келганда одамгарчиликни жойига қўядиган танти йиғит ҳам эди. Рустамжон Поп туманининг ўзанига сиймай оқадига Сирдарё яқинидаги Санг қишлоғида туғилиб воғая етди. Болаликдан санъатга меҳр қўйди, рубоб чертиб ҳаваскорлик тўғрараклида катнашиб юрди. Бу интилиш уни Тошкент театр ва расомчилик институтига етаклаб қолди. Ҳушини битирган, ўзи туғилиб ўсган Наманган вилоятидаги Навойи номида драма театрида иш бошлади ва кўп ўтмасдан эсда қоларли образлар яратди. Жумладан, Ион Друценнинг «Косамер» (Повласк), Шекспирнинг «Ҳамлет» (Ҳамлет), Азиз Турсуннинг «Машраб» (Маматтоҳун), Ш.Бобоевнинг «Темир хотин» (Қўқор), Ш.Алиевнинг «Афанди ва Азроил» (Афанди), Абдулла

Хотима уйғонса - гўзалдир

РУСТАМ ҚИЗИК

Жабборнинг «Ҳиёнат» асарларида бош ролларни қўйиллатиб ижро этиб бўру қозонида ва томошабинларнинг хурматига сазовор бўлди. Рустамжондаги туғма истеъод институтини битириб театрда ишга келганидан сўнг чинакамга камолга етди. Саҳнага қўйилган драмалардаги қуллиги обрларини унга топириш одат бўлиб қолди. Туманларга, бошқа вилоят ва шаҳарларга сафар чоғида энди томошабинлар ундан ана шу саҳна асарларидан Р.Ҳамроқулов талқинидаги кимсларни ижро қилиб беришни суқрашарди. Шу тарихта Рустамжон комик артист сифатида бутун Ўзбекистонга танилди. Водийдаги тўй ва тадбирлар Рустам қизикчининг ичак узди латифалари-ю, асияларисиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Зеро, бугунги кунда саҳнамаиз кулги сардорларига айланган Ҳожибой Тожиев, Мирзабек Ҳўлмедов, Обид Асомов ва бошқалар бир маҳаллар Рустам Ҳамроқулов яратган қизикчилик мактаби аъналарининг давомчиларирид, десак янглишмасак керак. - Нозик таъб, инжиқ санъаткор эди. Ўз устида ишлашдан эринмас ва чарчасмас эди. - деди у ҳақда театрнинг бош режиссери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Қозим Йўлдошев. - Ҳаммага ёрдам бергиси келарди. Унда ички маданият, адолатпарварлик, ташки одобу тавозеъ уйғунлашиб кетганди. Қачонки, бирон жойга биргаликда борсак, томоша муваффақиятли ўтишига қатъий ишонардик ва чиндан ҳам шундай бўларди. Энди ўйлаб қарасам, Рус-

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси Нишон тумани тармок қўмитаси собиқ раиси ҲОЛ АМИРҚУЛОВнинг вазоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик ихпор этади.

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимжўзаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибят 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - Тираж: 16696 Буюртма Г— 517 1 2 3 4 5